



## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

**Бобмуродов Фарход Боймуротович**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси  
мустақил изланувчиси,

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: farhod86b@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7766736>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> March 2023

Accepted: 23<sup>th</sup> March 2023

Online: 24<sup>th</sup> March 2023

### KEY WORDS

Тезкор-қидирув фаолияти,  
норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатлар, халқаро  
ҳужжатлар.

### ABSTRACT

Мақолада МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг шу жумладан, Украина, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Озарбайжон Литва, Арманистон, Тожикистон, Молдова, Беларусь давлатларининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонун нормаси билан Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунидаги тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳақида нормаси қиёсий таҳлил қилиниб, илмий асослантирилган таклифлар билдирилган.

Тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш деганда тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларга айтилади.

Ушбу масалада МДҲга аъзо давлатларнинг тезкор-қидирув фаолияти қонунчилиги нормалари ўрганилганида қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан, Хусусан, Украина Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунида: “тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий асослари Украина Конституцияси, ушбу қонун, Украинанинг жиноий, жиноят-процессуал, солиқ ва божхона кодекслари, “Прокуратура тўғрисида”, “Миллий полиция тўғрисида”, “Коррупцияга қарши курашиш миллий бюроси тўғрисида”, “Давлат тергов бюроси тўғрисида”, “Иқтисодий хавфсизлик бюроси тўғрисида”, “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”, “Давлат чегара хизмати тўғрисида”, “Давлат жиноят-ижроия хизмати тўғрисида”, “Давлат органи ходимлари ва мансабдор шахсларнинг давлат томонидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, Украина иштирок этган халқаро ҳуқуқий келишув ва шартномалар ташкил этиши(З-м)<sup>1</sup>” мазмунида қонуннинг назарда тутилгани миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро ҳужжатлар асосида тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилади.

Қозоғистон Республикасини “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосини Қозоғистон Республикаси

<sup>1</sup> Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-ХІІ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 01.03.2023).



Конституцияси, ушбу қонун ва Қозоғистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этиши, агар Қозоғистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномада ушбу қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартномалар қоидалари қўлланилиши, Республика Бош прокурори билан келишилган ҳолда ТҚФни амалга оширувчи органлар ўз ваколати доирасида ушбу қонун асосида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ва тактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариши(4-м)<sup>2</sup> мазмунидаги қоидадан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва тактикасига доир Бош прокурор билан келишиб қабул қилинган қўшма қарорлар ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

*Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида:* “тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосини Россия Федерацияси Конституцияси, ушбу қонун, бошқа қонунлар ва уларга мувофиқ қабул қилинган давлат органларининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этиши, ТҚФни амалга оширувчи органлар ўз ваколатлари доирасида Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва тактикасини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни чиқариши, Ички ишлар органлари, божхона органлари, жазони ижро этиш хизмати томонидан ноошқора маълумотларни тўплашга мўлжалланган махсус техник воситаларни қўллаш билан боғлиқ (очиқ жойлар, транспорт воситалари ва жамоат жойида ўтказиладиган кузатув тадбиридан ташқари) ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларни ташкил этиш ва тактикаси Федерал хавфсизлик хизмати билан келишилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланиши(4-м)<sup>3</sup>мазмунида ҳуқуқ нормасида баён этилганлиги, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда очиқ ва ёпиқ хусусият касб этувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши маълум бўлди.

*Қирғизистон Республикасини “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида:* “тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси Қирғизистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун, Қирғизистон Республикаси иштирок этган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кучга кирган халқаро шартномалар, шунингдек қирғиз Республикасининг бошқа норматив ҳужжатлари ҳисобланиши(5-м)<sup>4</sup> каби қоидаларнинг баён этилгани, ушбу фаолиятга тааллуқли бўлган халқаро ҳужжатлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этишидан далолат бермоқда.

*Озарбайжон Республикасини “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида:* “тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонунчилик Озарбайжон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан, шунингдек, Озарбайжон Республикаси

<sup>2</sup> Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 01.03.2023).

<sup>3</sup> Федеральный закон Российская Федерация от 12 августа 1995 года № 144-ФЗ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.Consultant.ru>. (мурожаат вақти: 01.03.2023).

<sup>4</sup> Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 года № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://cbd.minjust.gov.kg/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).



томонидан тан олинган халқаро шартномалардан иборат бўлиб, ТҚФни амалга оширувчи органлар ўз ваколатлари доирасида Озарбайжон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш, тактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши (2-м)<sup>5</sup> мазмунида баён этилгани, тезкор-қидирув фаолияти соҳасида қабул қилинган миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

*Литва Республикасининг* “Тезкор фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “тезкор фаолият субъектлари Литва Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва Литва Республикасининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиши(2-м)<sup>6</sup> мазмунидаги қоидаларнинг мавжудлиги тезкор фаолиятини амалга оширувчи субъектларни функционал мажбуриятларини амалга оширишда амал қиладиган норматив ҳужжатларни белгилаб беради.

*Арманистон Республикаси* “Тезкор фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини Арманистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси, Арманистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”, “Миллий хавфсизлик органлари тўғрисида”, “Полиция тўғрисида”, “Жиноят-ижроия хизмати тўғрисида”, “Солиқ хизмати тўғрисида”ги қонунлари, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Арманистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро шартномалар ташкил этиши, тезкор-қидирув фаолиятига тайёргарлик кўриш жараёни ва амалга оширилиши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиниши(2-м)<sup>7</sup> мазмунидаги қоидаларнинг мавжудлиги тезкор фаолиятини амалга оширувчи органларнинг хизмат фаолиятини ушбу соҳага доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлади.

*Тожикистон Республикасини* “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Тожикистон Республикаси тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилиги Тожикистон Республикаси Конституциясига асосланади ва ушбу қонундан, Тожикистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан, шунингдек, Тожикистон томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат(2-м)<sup>8</sup> мазмунидаги қоидаларнинг назарда тутилгани, Украина, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон ва Литва қонунларида белгиланганидек халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ТҚФни ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

<sup>5</sup> Закон Азербайджанской Республики от 28 октября 1999 г. № 728-ІІ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://www.legal-tools.org/doc/7871f5/pdf/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).

<sup>6</sup> Закон Литовский Республики от 20 июня 2002 г. № IX-965 Вильнюс «Об оперативной деятельности» // Электрон манба: <https://e-seimas.lrs.lt/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).

<sup>7</sup> Закон Республики Армения от 19 ноября 2007 г. № ЗР-223 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://e-seimas.lrs.lt/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).

<sup>8</sup> Закон Республики Таджикистан от 25 марта 2011 года № 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.ncz.tj/content> (мурожаат вақти: 28.02.2023).



Молдова Республикасининг “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда<sup>9</sup> махсус-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга доир ҳуқуқ нормаси мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Беларусь Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда: “тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Беларусь Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солиниши, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик Беларусь Республикаси Конституциясига асосланиб, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат эканлиги, агар Беларусь Республикасининг халқаро шартномасида ушбу қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартномалар қоида қўлланилиши (4-м)”<sup>10</sup> кабилар назарда тутилгани, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунида: “тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир”<sup>11</sup> мазмунида қоидаларни белгилангани, бошқа қонун ҳужжатларига қандай норматив-ҳуқуқий ҳуқуқий тааллуқли эканлиги мавҳум бўлиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Ўрганилган 11 та давлатларнинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормалари мазмунида назарда тутилган тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишини моҳиятини ўрганиш асосида *биринчидан*, 9 та давлатларда тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда халқаро шартномалар ҳуқуқий асос бўлиши назарда тутилган бўлиб, фақатгина Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормасида ушбу қоида назарда тутилмаганлиги, Молдова ТҚФ қонунида тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишига оид норманинг мавжуд эмаслиги; *иккинчидан*, Украина, Арманистон ТҚФ тўғрисидаги қонун нормасида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номланиши аниқ баён этилганилиги; *учинчидан*, Қозоғистон, Россия ва Озарбайжон ТҚФ тўғрисидаги қонун нормасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва тактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида қоидалар белгиланганлигини таъкидлаш жоиздир.

Юқоридаги таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасини қуйидаги таҳрирда: “*Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан иборат*” мазмунида баён этиш таклиф этилади.

<sup>9</sup> Закон Республики Молдова от 29 марта 2012 года №59 «О специальной розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru> (мурожаат вақти: 01.03.2023).

<sup>10</sup> Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 года №307-3 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги 344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).



Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунни 2-моддасига киритилаётган тўлдиришларни қуйидагича изоҳлаймиз:

*биринчидан*, маълумки, тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси иккинчи қисмида: “агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши”, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сон “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ҳисобланиб, мазкур қонунни 2-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши” мазмунида қоидаларнинг белгилангани, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида халқаро ҳужжатлар асосида ҳуқуқий муносабатлар амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қабул қилган “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида конвенцияси”(1950) ва бошқа шу соҳага тааллуқли халқаро ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини англатади;

*иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошида назарда тутилган “Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида келиб тушган сўровномалар” асосида, шунингдек, 28<sup>1</sup>-модданинг ижросини таъминлашга юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини миллий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ҳужжатлар ташкил этишини кўрсатмоқда;

*учинчидан*, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи жами 115 та шундан, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таснифланишига кўра: 0,9 фоизи декларация; 1,8 фоизи пакт; 1,8 фоизи қўшимча баённома; 1,7 фоизи келишув; 13, 2 фоизи конвенция; 32,4 фоизи шартнома; 48,2 фоизи битимлар; соҳаларига кўра: 4,3 фоизи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир; 27,4 фоизи уюшган жиноятчиликка; 12,3 фоизи терроризм ва экстремизмга; 3,6 фоизи қурол, ўқ-дори, портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига; 15,7 фоизи гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш; 11,3 фоиз шахсларни қидириш, ушлаб бериш ва экстрадиция масалалари; 1,7 фоизи ахборот хавфсизлиги; 16,6 фоизи фуқаролик, савдо, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; 3,6 фоизи жиноий жазолар ижро этилишини таъминлаш; 3,5 фоизи божхона соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли муносабатларни тартибга солинишини инobatга олиб, қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун 2-моддасини “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари” қонунини билан тўлдирилишини лозим деб ҳисоблаймиз.



## References:

1. Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-XII «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 01.03.2023).
2. Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 01.03.2023).
3. Федеральный закон Российская Федерация от 12 августа 1995 года № 144-ФЗ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.Consultant.ru>. (мурожаат вақти: 01.03.2023).
4. Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 года № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://cbd.minjust.gov.kg/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).
5. Закон Азербайджанской Республики от 28 октября 1999 г. № 728-ІГ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://www.legal-tools.org/doc/7871f5/pdf/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).
6. Закон Литовский Республики от 20 июня 2002 г. № IX-965 Вильнюс «Об оперативной деятельности» // Электрон манба: <https://e-seimas.lrs.lt/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).
7. Закон Республики Армения от 19 ноября 2007 г. № ЗР-223 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://e-seimas.lrs.lt/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).
8. Закон Республики Таджикистан от 25 марта 2011 года № 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.http://ncz.tj/content> (мурожаат вақти: 28.02.2023).
9. Закон Республики Молдова от 29 марта 2012 года №59 «О специальной розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru> (мурожаат вақти: 01.03.2023).
10. Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 года №307-3 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).
11. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги 344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/> (мурожаат вақти: 01.03.2023).